



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 4-yanvar, chorshanba № 1 (8442)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!
Муҳтарам дўстлар!
Мана шу файзли оқшомда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб, янги йилни кутиб олаётган сиз азизларни, бутун халқимизни ушбу қутлуғ айём билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Мана шу шухуҳли дамларда якунига етаётган 2011 йилни кузатар эканмиз, мамлакатимиз тараққиётида рўй берган улкан ўзгариш ва янгиланишлар, қўлга киритилган ютуқ ва марралар қаторида ўз оиламиз ва яқинларимиз бошидан кечирган ташвиш ва муаммолар, янгилик ва хурсандчилик етказган кунлар барчамизнинг кўз ўнгимизда беихтиёр намён бўлиши табиийдир.

Ўйлайманки, ҳаммамиз бир фикрга қўшиламиз — 2011 йил энг аввало эл-юртимизни янги, обод ва

озод, эркин ва фаровон ҳаёт қуришга бошлаган буюк тарихий ва қутлуғ сана — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлаш йили бўлгани билан хотирамизда сақланиб қолади.

Шу маънода, 2011 йилни биз босиб ўтган 20 йил мобайнида халқаро майдонда тан олинган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган, юртимизнинг, ўлкамизнинг қиёфасини тобора ўзгартириб бораётган мамлакатимиз тараққиёт йўлининг узвий бир қисми, мантикий давоми, деб қабул қилсак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар қайси йилнинг келиши ўзига хос хусусиятлари, табиат ва ҳарорат инжиқликлари ва ўзгаришлари, сув танқислиги ва турли аломатлари билан бир-биридан ажралиб туради. Лекин, поёнига етаётган йил қандай қийинчилик ва мураккаблик келтир-

масин, 2011 йил мамлакатимиз ва халқимиз учун самарали ва ҳосиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Дунёдаги энг нуфузли молиявий ташиқлотлардан бири бўлмиш Халқаро валюта фонди томонидан таъкидланганидек, ҳақон молиявий-иқтисодий инқирозининг давом этиши ва салбий таъсир ўтказишига қарамасдан, Ўзбекистон санокли давлатлар қаторида 2011 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотнинг 8,3 фоизга ўсишини таъминлаб, шу асосда охириги 5-6 йил давомида иқтисодиётимизнинг барқарор юқори суръатлар билан ривожланиши бежиз эмаслигини исботлаб берди.

Жорий йил давомида мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини

ривожлантириш йўлида катта ишлар амалга оширилганини кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин.

Ўтган давр мобайнида илгари фақат орзу қилиш мумкин бўлган марраларга эришганимиз авваламбор биз танлаган йўлнинг ҳар томонлама тўғри эканини тасдиқлаб бермоқда. Хусусан, иқтисодиётимизнинг локомотиви бўлмиш янги ишлаб чиқариш тармоқларига асос солганимиз, ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилгани, ёқилғи-энергетика, тоғ-кон саноати, кимё, автомобилсозлик, капитал қурилиш, транспорт ва коммуникация, енгил маишат каби етакчи тармоқларнинг жадал ривожланиб бораётгани ана шундай ютуқларга мустаҳкам пойдевор бўлмоқда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

(Давоми 2-бетда.)

Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch

БОЛАЛАР МАЪНАВИЯТИ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига таъкидланганидек, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган ҳатрли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

...Компакт дисклар билан савдо қилувчи шохобчаларда текширув ўтказган солиқ назоратчиларининг навбатдаги ташрифи анча шов-шувни келтириб чиқарди.

— Бу диск сотувчилар ҳеч инсофга келмас экан-да, — дейди ўрта ёшлардаги аёл. — Аллақандай беҳаё, кўркинчи кинолар ёзилган дискларни сотишгаётган экан. Мана, солиқ назоратчилари аллақанчасини олиб кетди.

— Бузғунчи дисклар савдосига бутунлай чек қўйиш керак, — дейди яна бир аёл. — Ёшларимизни айнан шундай дисклар тўғри йўлдан адаштиряпти.

— Нимасини айтасиз, кун бўйи ишда бўламан. Ўғлим уйда ёлғиз қолади. Ёмон кинолар кўрмасин, деб телевизорни қўллаб кетаман, — деди сотувчилардан яна бири.

(Давоми 5-бетда.)



ТАЪТИЛДАГИ МАЗМУНЛИ ҲОРДИК

ўқув йилининг иккинчи ярими учун куч бағишлайди

6-бетга қаранг

ГАЗЕТАНИ ВАРАКЛАГАНДА

<p>‘ЗИЮМЕТ’ ЯНГИ ЙИЛДА ҲАМ ХИЗМАТИНГИЗДА</p> <p>у барчанing зҳтпёжлгга мос маълумотлар билан бойлмоқда</p> <p>3-бет</p>	<p>МАКТАБДА ИҶОДИЙ МУҲИТ ҚАНДАЙ ЯРАТИЛАДИ?</p> <p>11-бет</p>
<p>«УМИД НИҲОПЛАРИ»ДАН ОЛИМПИАДАГАЧА</p> <p>2012 йил — спорт йилли бўлиши, шухбаста</p> <p>15-бет</p>	

2012-yil — Mustahkam oila yili

Кутлибека РАҲИМБОЕВА: ОИЛА — НУРКЎПРИК

Ўтаётган ҳар бир кунимиз — тарих. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб ном олган 2011 йил тарих саҳифасидан жой олди. Умуман, ўтган йилда эсда қоларли янгиликлар, ўзгаришлар, воқеалар кўп бўлди. Термиз шаҳрида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод-2011» спорт мусобақалари ўтказилди. «Юртим сенга жоним фидо!» шиори остида «Биз бахтли болалармиз» бадий-ижодий анжумани ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Соғлиқни сақлаш тизimini ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари эълон қилинди. Юртимизда мустақиллигимизнинг 20 йиллиги

«Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида кенг нишонланди. Инчунун, буюк ва муқаддас Ватанимиз мустақиллигига ўзига хос тухфа сифатида пойтахтимизда «Маърифат маркази» бунёд этилди. Тошкент шаҳрида «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Қабул қилинган қарор, ўтказилган тадбирларнинг барчаси баркамол авлод таълим-тарбиясига қаратилгани билан эътиборлидир. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «...2012 йилга юртимизда «Мустаҳкам оила» деб ном берилди...» тақлифида ҳам баркамол авлод келажигига узвий боғлиқлик, инсоний тарбиямизга мос муайян қонуният бор.

(Давоми 7-бетда.)

Хар бир педагогнинг яқин кўмакчисига айланиб бораётган "ZiyoNet" жамоат ахборот-таълим портали йилдан-йилга устоз-мураббийлар, ўқувчилар ва ота-оналар эҳтиёжига мос маълумотлар билан бойиб бормоқда. Хусусан, 2011 йилда ҳам портал базасини энг сўнгги янгиликлар, методик-дидактик материаллар ва бошқа кўплаб қизиқарли маълумотлар билан тўлдириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Эътиборлиси шундаки, портал маълумотлари турли давлат ва жамоат идоралари билан ҳамкорликда, мутахассислар жалб этилган ҳолда жойлаштирилмоқда. "Таълим", "Қонунчилик" ва "Кутубхона" каби бўлимлари виджети (маълумотлар базаси) ана шундай ҳамкорликлар самараси ўлароқ қайта таҳрир қилиниб, янги маълумотлар билан бойиди.

2010 йилдан буён умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ва ўқитувчилари учун чоп этилган барча ўқув дарсликлари ва методик қўлланмаларнинг электрон нусхалари фойдаланиши учун қулай бўлган .djvu форматга ўтказилиб, босқичма-босқич порталга жойлаштириб борилмоқда.

Фуқароларни қонунчилик соҳасидаги янгиликлар, хусусан, таълим ва ижтимоий соҳада қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан мунтазам таништириб бориш мақсадида тармоқнинг "Қонунчилик бўлими"га Ўзбекистон Республикасининг бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари рус ва ўзбек тилларида жойлаштириб борилмоқда.

Жумладан, йил давомида 50га яқин янгилик, қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумот ҳамда мақолалар жойлаштирилди. "Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида" (Ўзбек ва рус тилларида), "Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурда «Маънавият ва маърифат» марказини ташкил қилиш тўғрисида» (Ўзбек ва рус тилларида), "Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилаётган вояга етмаганларнинг тиббий кўригини ўтказиш тартиби" (Ўзбек ва рус тилларида), "Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар ва талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида", "Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида", "Қонунларга амал қилиш — хавфсизлик қафолати" сингари кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, методик тавсия ва мақолалар фойдаланувчилар эътиборига ҳавола этилди.

Ўқувчиларнинг синфдан ташқари вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг интернетдан мақсадли фойдаланишларини таъминлаш ҳамда синф раҳбарлари ва фан ўқитувчиларига яқиндан кўмак бериш мақсадида «Bolalag

uchun hikoyalarg» бўлинмасига йил давомида 1000дан зиёд мақола, болалар учун ҳикоя ва эртаклар жойлаштирилди. Таъкидлаш лозимки, айти пайтда "Кутубхона" бўлимида синфдан ташқари ўқиш бўйича 28 мингдан ортиқ ресурс мавжуд. Бу эса ўқув ва бадиий асарларни осон, тез ва қулай кўришида юклаб олиш имкони-

амалга ошириганини таъкидлаш ўринли. Ўтган 2011 йилда бу борада 50га яқин ахборот-ресурс манбалари тармоқ ахборотлар омборидан ўрин эгаллади. Эндиликда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда мазкур манбалар ўзига хос қийматга эга.

Мақтабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари, мактабдан ташқари таълим муассасалари аъзолари, тарбиячи ва педагог-ўқитувчилар ҳамда ота-оналарга мўлжалланган маданий-маърифий ахборотлар портал таркибидаги "Manaviyat.zn.uz", "Pedagog.zn.uz", "Jamiyat.zn.uz", "Sport.zn.uz", "Ota-ona.zn.uz", "Matbuot.zn.uz" сингари сайт-сателлитлар, шунингдек, Fikr.uz веб манзили базасида ҳам ўз ўрнини топмоқда. 2011 йилда ташкил этилган "Bolajon.zn.uz"

қалар, қизиқарли маълумот ва тавсиялар "Matbuot.zn.uz", "Sport.zn.uz", "Hudud.zn.uz" каби сайтларга жойлаштириб борилмоқда.

Янги кириб келган 2012 йилда ҳам амалга оширилаётган ишларни давом эттириш, ахборот-таълим порталини янада оммалаштириш, уни замон талаблари асосида такомиллаштириш, шу билан бирга барча фойдаланувчилар талаб ва эҳтиёжларига тўла жавоб берадиган бир қатор янгиликларга қўл уриш режалаштирилмоқда. Хусусан, "2012 йил — "Мустақкам оила йили"га бағишлаб Fikr.uz сайтида "Мустақкам оила — юрт таянчи" мавзусида блог очиб ва маълумотлар билан бойитиб бориш мақсад қилинган.

Порталнинг "Кутубхона" бўлимига янги нашр этилаётган дарсликлар ва ўқув

лар учун мўлжалланган ахборотлар, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг режа ва ўқув дастурлари, битирув-малакавий ишлар, малака ошириш институтлари кафедр ва бўлимлари профессор-ўқитувчилари ҳамда тақлиф этилаётган маърузачиларнинг ўқув дастурлари, маърузаларнинг электрон нусхалари, фаолият юритаётган курслар тўғрисидаги маълумотлар, конференция ва семинарлар материаллари ҳамда тингловчилар томонидан тайёрланган намунавий битирув лойиҳа ишлари ҳам жойлаштирилади. Шу билан бирга, таълим муассасаларида болалар учун ўтказиладиган ўқув машғулотлари материаллари, ўқув қўлланмалар, ота-оналар ва тарбиячилар учун қизиқарли тавсиялар ҳам сайт таркибидан ўрин олиши белгиланган.

2012 йилда баъзи фанлар бўйича ўтказиладиган сиртқи олимпиадаларга оид маълумотлар ҳам қизиқувчилар эътиборига ҳавола этилади. Инклюзив таълим йўналиши бўйича ҳам ахборотлар тўплаш ва тармоққа жойлаштириш давом эттирилади. "Меҳрибонлик уйлари" ҳамда махсус мактаб-интернатлардаги хайриятдабирларини, улар таълимига оид методикаларни тармоқда мунтазам ёритиб бориш режалаштирилган.

Портал мутахассислари жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинлари голиблари ҳамда мамлакатимизнинг кўзга кўринган спорт усталари билан эскюзив сўхбатлар уюштириш, ўқувчи-ёшларнинг халқаро мусобақалардаги иштирокини ёритиш, ўқувчи-ёшлар ўртасида оммавий спорт турларини янада ривожлантиришга оид ресурслар, спорт турлари бўйича ўқув материаллари ва мазкур соҳада қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам бериб боришни мақсад қилиб олган.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда қарийб барча умумтаълим мактаблари "ZiyoNet" ахборот-таълим портали орқали интернет тармоғига уланган. Ўз касбининг фидойиси бўлган, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмасини ўзлаштириб олган ҳар бир педагог билим ва тажрибаларини бойитишда, ўқувчиларга замон талаблари асосида сифатли таълим-тарбия беришда қимматли вақтини тежаб порталга мурожаат этишининг ўзи кифоя. Унда зарур бўлган маълумотлар, методик қўлланмалар, тажрибалар ва бошқа ахборотларни компьютернинг биргина tugmasini босиб орқали топиб олиш имконияти мавжуд.

"ZIYONET" ЯНГИ ЙИЛДА ҲАМ ХИЗМАТИНГИЗДА

у эҳтиёжга мос маълумотлар билан бойимоқда

ятини яратмоқда.

Имконияти чекланган ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, инклюзив таълим йўналишида яратилган электрон ахборот-таълим ресурсларини кенг оммалаштириш, мазкур соҳада фаолият олиб бораётган педагоглар учун электрон маълумотлар базасини умумлаштириш юзасидан ҳам кўнгина ишлар амалга оширилди. Йил давомида "Болалар кутубхонаси"дан 73та аудио (Mp3) форматдаги эртак, Болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш бўлими томонидан эса 23та жаҳон халқ эртаклари ҳамда инклюзив таълимга оид 30та битирув-малакавий иши, жами 126та ахборот-ресурс манбалари фойдаланувчилар ихтиёрига топширилди.

Хар бир ўқувчининг келажакда мустақкам ўрнини топиши, муайян касб-хунарга эгаси бўлиб вояга етишида унинг зарур ахборотлар билан таъминланиши муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда бугунги кунда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш масаласига катта эътибор қаратилган. "ZiyoNet" ахборот-таълим портали Касб-хунарга йўналтириш педагог-психологик таълим маркази билан ҳамкорликда касб-хунарга йўналтириш тизимига оид мавжуд маълумотларни тўплаш ва тармоққа жойлаштириш бўйича кўзга кўринарли ишларни

ҳамда «Krujok.zn.uz» каби сайт-сателлит ҳам интернетга, хусусан, "ZiyoNet" ахборот-таълим порталига янгилик излаб кирган ҳар бир киши учун қизиқарли ва фойдали манбалар билан тўлдириб борилмоқда.

Айни дамда портал таркибидаги манбалар, хусусан, Fikr.uz сайтини кенг оммалаштириш, фаол фойдаланувчиларни жалб этиш, уларни маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий, илмий-таълимий ва турли қизиқарли мавзулардаги манбалар билан бойитишга катта эътибор қаратилди. Ўтган 2011 йилда ушбу сайтда "Конституция — бахтимиз пойдевори", "Ватан учун яшайлик", "Қизиқарли мавзулар", "Саломатлик", "Қамолот ЕИХ", "Таълим ва тараққиёт", "Автомобиллар", "Мир рецетов", "Новые технологии" каби долзарб мавзулардаги блоглар ташкил этилди.

Спорт йўналишига қизиқиш баланд ўқувчи-ёшлар, ушбу соҳада фаолият кўрсатётган барча мутахассислар, жумладан, умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари, синфдан ташқари спорт тўғрақлари раҳбарлари, Болалар ва ўсимирлар спорт мактаблари мураббийлари учун мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва кенг оммалаштириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар, ўтказиладиган мусоба-

қўлланмалар тўғрисидаги маълумотлар, чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг электрон вариантларини мунтазам равишда жойлаштириш, замон билан ҳамнафас ҳолда ўқитувчи ва ўқувчиларни янгиликлардан бохабар қилиш мутахассислар олдида турган энг долзарб масалалардандир. Ушбу бўлим мактаб раҳбарлар, педагоглар, ўқувчилар ва ота-оналарни қизиқтираётган бир қатор саволларга жавоб беришга хизмат қилиши белгиланган. Янги йилда ҳам дарсликларнинг ижара тизими тўғрисидаги, ўтказиладиган танлов ва тендерлар тўғрисидаги маълумотлар, таълим соҳасига оид эълонлар ҳам ўз мuddатида портал таркибидан ўрин эгаллайди. Шунингдек, ижтимоий, маданий-маърифий соҳалар истиқболига йўналтирилган янги қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, семинар ва конференция материалларини жойлаштириб бориш режалаштирилган.

Таълим муассасаларида портал имкониятларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида "ZiyoNet" кунларини ўтказиш, ҳар бир муҳим сана, умумхалқ байрамларига бағишлаб ахборотлар, янгиликлар тайёрлаш ва улардан фойдаланувчиларни бохабар қилиб бориш ҳам галдаги муҳим вазифалардан.

Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган болалар ва ўсимир-

ЯНГИ МАКТАБДАГИ ИЛК САБОҚ

Истиқлол туфайли барча жабҳалар сингари халқ таълими тизмида ҳам кенг қўлмалли ислохотлар амалга ошириляпти. Хусусан, Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида бу борада эришилган натижаларнинг салмоғи баланд. Жумладан, янги ўқув йилдан «Мирмирон» ва «Хонобод» массивларида намунавий уй-жойлар барпо этилиши муносиби билан янги 65- ҳамда 66-умумий ўрта таълим мактаблари фойдаланишга топширилди.

Мизинг чуқур тушуниб етганлигини уларнинг мустақил равишда мулоҳаза билдириши, соғлом фикрларидан билиб олиш мумкин.

— Бир нарсага амин бўлдим, — дейди 66-умумий ўрта таълим мактаби директори Ўқтам Ибодов, — янги мактабимизда ўқитган фарзандларимизнинг онгу шуури илгариги ўқувчиларимиздан тубдан фарқ қилади. Бу, айниқса, уларнинг китоб, газета-журналлар мутолаасига, қолаверса, компьютер технологияларига бўлган қизиқиши ортанида кўринаётир.

Мактабга келтирилган жами 36 миллион сўмлик ўқув қуроллари ва жиҳозлар таълим сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Хилола МУСАЕВА

— Мактабимизда 129 нафар ўқувчи сабоқ олаётти, — дейди 65-умумий ўрта таълим мактаби директори Жамол Садилов. — Ушбу маърифат биноси қисқа муддатда куриб битказилди.

— Бизни кувонтирадигани, ўқувчиларимизнинг тиришқоқлигидир, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Гулнора Рашидова. — Масалан, яқиндагина Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланган китобини ўртанишга бағишланган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбир ўтказганимизда бу нарса яна бир карра намоян бўлди. Ушбу асар мазмун-моҳиятини ўқувчилари

Шинам ва ёруғ хоналар, кутубхона жиҳозлари, турли ўқув анжомлари, компьютер жамланмалари, энг асосийси, ана шу шароитдан самарали фойдаланган ҳолда олиб борилаётган таълим-тарбия ишларининг сифати замонавий мактаб қиёфасини ифода этаётир.



Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Оролбўйиннинг олис овуллари, шаҳар ва қишлоқларида ҳам Янги йил байрами шодиёнлари кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Айниқса, «Президент арчаси» тадбирлари кичкинтойларга олам-олам қувонч бағишлади. Тантаналарда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда кўп болали оилалар фарзандлари бўлган 800 нафардан зиёд ўғил-қизга Президентимизнинг байрам совғалари топширилди.

Юртбошимиз томонидан навқирон авлодга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва меҳр уларнинг эзгуликка интилувчан олижаноб инсонлар бўлиб камол топишига хизмат қилиши тадбирларда алоҳида таъкидланди. Болажонлар Қорбобо, Қорқиз ва эртақ қаҳрамонлари билан ранг-баранг ўйинчоқ ва чироқлар порлаб турган арча атрофида рақсга тушиб, дилдан яйрадилар.

«Президент арчаси» байрам тадбирлари Сирдарё вилоятида ҳам кўтаринки кайфиятда ўтди.

Гулистон шаҳрида ташкил этилган «Президент арчаси» шодиёнларига Меҳрибонлик уйлари, «Болалар шаҳарчаси» тарбияланувчилари, хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган осойишталик посбонлари, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари тақдир этилди.

Байрам дастурхони атрофида жам бўлган болажонлар учун «Сирдарё наволари» ансамбли томонидан сахналаштирилган «Олтин балиқча» эртақ-шоуси намойиш этилди. Улар шўҳ куй-қўшиқларга рақсга тушиб, ўзлари ҳам тантананинг фаол иштирокчисига айланди. Президентимизнинг совғалари болажонларга олам-олам қувонч бахш этди.

«Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи қувноқ ва шўҳ мусиқа, кўшиқлар остида болажонларни кутиб олди.

Майдонда ўрнатилган «Президент арчаси», унда товланган ранг-баранг ўйинчоқлар, Қорқиз ва Қорбобо, турли концерт намойишлари болажонларга катта қувонч ва шодлик ҳада этиди. Йигилганларни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Муҳиддин Эсонов қизғин ва самимий кутлади. Шу куни вилоят бўйича 455 нафар болажонга «Президент совғаси» топширилди.

Тадбирда вилоятнинг турли туман ва шаҳарларидан келган 271 нафар чин етим ва боқувчисини йўқотган бола қатнашди. Улардан 82 нафари 32-Меҳрибонлик уйи, 34-ғўдақлар уйи, 5 нафари оилавий бошқарув уйи тарбияланувчиларидир.

Тушлиқда монумент яқинидаги «Афсона» ресторанида болажонлар учун байрам дастурхони ёзилди.

Наманганда шаҳарнинг экологик мусаффолиги ва тозаллигини сақлаш, бу вазифага кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, айниқса, ёшлар ўртасида экологик тарбияни кучайтириш масалаларига бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари, давлат идоралари, корхона ва ташкилотларнинг матбуот хизмати ходимлари иштирок этган мазкур тадбирда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янгича қиёфа, тароват касб этиб бораётган шаҳарнинг озодалигини сақлаш, бу борадаги амалий ва тарғибот тадбирларига барча фуқароларни жалб этиш борасидаги режалар ҳақида маълумот берилди.

Тадбирда, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида Наманган шаҳри экологик ҳолатини яхшилаш ишларини ёритиш бўйича «Энг яхши телемаҳсулот», «Энг яхши радиомаҳсулот», «Энг яхши мақола», «Энг яхши веб маҳсулот» номинацияларидан иборат танлов эълон қилинди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

ЯНГИ ЙИЛИМ — ЯХШИ ЙИЛИМ

Байрамона руҳ Тошкент шаҳридаги 41-умумтаълим мактабида ҳам тухмон. Мактаб фаоллар залига тўпланган устоз-мураббийлар, 5—9-синф ўқувчилари юз-кўзида хурсандчилик. Ортада қолган — 2011 йилни сарҳисоб қилиш ва янги — 2012 йилни аъло кайфиятда кутиб олиш ана шу мамнуликнинг сабабидир.

Йил якунига бағишланган тантанали сафланишда мактаб раҳбари Гулноза Музаффарова сўзга чиқиб, ўқитувчилар эришган



Х.ТҶИМАНОВА


ютуқлар, ўқувчиларнинг биринчи ярим йилликдаги кўрсаткичларидан барчани хабардор қилди. «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги», «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ҳамда «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фан ойлигида фаол иштирок этган синф ўқувчиларига фахрий ёрликлар топширилди.

— Тантанали сафланишни ҳар чоракда ўтказамиз, — деди тадбир тафсилоти ҳақида тўхталаркан мактаб раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Зулфия Фуломова. — Голиб бўлган синфга бошқаларнинг ҳавас билан қарashi, тажрибали ва изланувчан педагогларнинг мактаб, туман ёки шаҳар миқёсидаги йотуқларини эълон қилиш сафланиш маросими га ўзгача шўҳ бағишлайди. Мактаб жамоасининг бир даврада тўпланиши ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида меҳр-оқибатни ҳам мустаҳкамлайди. 2012 йил — «Мустаҳкам оила йили»-да бундай тадбирларни отаналар, буви ва буважонлар, маҳалла фалоллари иштирокида ўтказишни режалаштиряпмиз.

ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ

Сурхондарё вилоятидаги таълим муассасаларида декабрь — «Миллий истиқлол ғояси» туркумидаги фанлар ойлигига бағишлаб ўтказилган тадбирлар эсда қолари бўлди. Ўқувчилар ўз дунёқарашларини сахна кўри-нишларида, ижодий ишларда, чизган расмларида, реферат, буклет, кўргазмаларда, Ватанга бағишлаб ёзган шеърларида намойиш этишди.

— Мактабимизда фан ойлиги бурчагиликларининг мунтазам ўтказилиши ҳамкасбларимизнинг илгорликка ундаяпти, — деди Ангор туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси Севара Чориева. — Миллий истиқлол ғояси туркумига қирув-



саволлар тушиди. Уларнинг дунёда бўлаётган воқеаларга беварқ эмаслиги бизни кувонтирди. 8—9-синф ўқувчилари билан «Хушёрлик ва огоҳлик», «Маҳалла ҳам ота, ҳам она», «Маънавиятнинг шақлланишида оиланинг ўрни», «2012 йил — «Мустаҳкам оила йили» мавзуларида ўтказган суҳбатларимизга маҳалла фалоллари, ички ишлар бўлими ходимларини тақдир қилдик.

Норқувват Тўраев,
«Ma'rifat» муҳбири

НОАҲЪАНАВИЙ МАШГУЛОТЛАР

Ўқувчилар қизиқишини уйғотмоқда

Жиззах шаҳридаги 10-мактабда миллий ғоя туркумига қирувчи фанлар ойлигини қизиқарли ўтказишда ноаҳъанавий машғулотларга кенг ўрин берилди. 6-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Ватан туйғуси» фанидан расмлар кўрик-танлов ишлари жумласидандир.

Кўрик-танловда барча ўқувчилар фаол иштирок этди. Улар чизаётган расмлар мавзуси эса ранг-баранг. Кимдир бхтлик болалик дамларини акс эттиришга ҳаракат қилса, яна бири оддий қишлоқ манзараларини чизган. Расмлар орасида мактабга бораётган ўқувчи, турли касб эгалари, юртимизнинг бепойн далалари, пах-

тазору галлазор, бог-роғларни учратиш мумкин.

Мактабда фан ойлиги бошланғич синфларда «Одобнома», 5—6-синфларда «Ватан туйғуси», 7—8, 9-синфларда «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанлари кесимида ўтказилди. Тадбир доирасида деворий газеталар, расмлар кўрик-танлови, иншоалар танлови йўлга қўйилди. Маҳаллий ижодкорлар, олимлар, турли касб эгалари билан учрашувлар ташкил этилди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Буни фойдаси бўлармикан, ахир, ҳозир нима кўп интернет-кафе кўп. Сиз уйда тақиқлаганингиз билан боланигиз кўчада бемалол кўраверди.

Жиззах шаҳридаги «Кўк бозор»да солиқ назоратчилари томонидан текширув ўтказилиши билан бошланган бундай гап-сўзлар анча-гача давом этди. Биров бу дисклардаги киноларнинг миллий одоб-ахлоқимизга зидлигини гапирса, бошқа биров уларни сотаётганларни қоралади. Муҳими, ҳеч ким бу иллатга бепарқ эмаслиги аён бўлди.

Солиқ назоратчилари ўз хизмат вазифаларини бажарди. Текширув давомида бозорнинг энг гавжум жойига ўрнашиб олган битта шохбачанинг ўзидан 282 дона диск мусодара қилинди. Яна бир шундай шохбачадан 205 дона, бошқасидан эса бундан ҳам кўпроқ диск олиб кўйилди.

Мамлакатимизда киновидео маҳсулотлари савдоси ва хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартда қабул қилинган киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлашга доир қарори асосида тартибга солинади. Ушбу меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш, мувофиқлаштириш бўйича вилоятда давлат солиқ, божи, ички ишлар идоралари ҳамда «Ўзбекино» миллий агентлигининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган доимий фаолият кўрсатувчи комиссия иш олиб бораётир. Бозорларда, кинопрокат, видеопрокат шохбачалари тармоқларида мунтазам рейд-текширувлар ўтказилмоқда.

— Катта маблағ ҳисобига

ишлаб чиқарилган кинолар, таниқли хонандаларнинг янги концерт дастурларини рухсатсиз кўпайтириб сотиш, намойиш этиш бундай иш билан шуғулланувчи «тадбиркорлар»га миллионлаб сўм даромад келтиради, аммо уларнинг муаллифлари, ижодий ташкилотлар, қолаверса, давлат бюджетига катта зарар етказиши, — дейди вилоят солиқ бошқармасининг бўлим бошлиғи Жўрабек Оқўтаев. — Терғиб идоралар билан ҳамкорликда ўтказилаётган текшириш ва рейдлар давомида аниқланган бундай қонунбузарликларга нисбатан кес-

моддий манфаатдорликни устун қўяётгани маълум бўлди.

Видеомаҳсулотлар савдоси соҳасидаги қонунбузарликлар фақат иқтисодийтимизга эмас, жамиятимизнинг маънавий асосларига ҳам зарар етказиётгани аянчлидир. Улар тарқатаётган дискларга жойланган фильмларнинг номлари ҳам бундан далolat беради — «Улиқлар уйи», «8-синф қизининг муҳаббат саргузаштлари», «Бир четдаги севги»...

«Ўзбекино» миллий агентлиги томонидан мамлакатимиз ҳудудида намойиш этиш, ижарага бериш,

жангари, ҳаёсиз кинолар сақланаётган экан.

Интернет-кафелар эндиликда кишлоқларга ҳам кириб бормоқда. Бу яхши, албатта. Аммо бу интернет-кафелар мутасаддиларининг аксарияти ёшлар нималарни кўраётгани билан қизиқмайди, мақсадлари фақат пул ишлашдан иборат. Холбуки, улар ёшларнинг онгитафаккурини ўстиришга, ватанпарварлик туйғусини кучайтиришга хизмат қиладиган фильмларни тарғиб қилмоғи керак.

Дўстлик тумани марказида жойлашган интернет клубда 10 нафардан зиёд

— Ёшларнинг компьютер саводхонлиги юқорилиги мактаб ва коллежларда ушбу дарсларнинг пухта ўтилаётгани самараси, албатта, — дейди Зарбдор туманидаги 13-умумтаълим мактабининг ахборот технологиялари фаши ўқитувчиси Мавлуда Ҳололова. — Аммо буюқ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек, «Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам иккинчи бир-бирдан айрилмай турган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабудир». Яъни, бола дарсдан олган сабоғини амалда қандай қўллаётганини назардан қочирмаслигимиз, доимий равишда уни назорат қилишимиз керак.

— Ёшларимизнинг ахборот технологияларига қизиқиши ортиб бораётгани кувонарли ҳол, — дейди Жиззах туманидаги 14-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Нурия Холматова. — Лекин фарзандларимизнинг компьютер саводхонлигини зарарли машғулотларга йўналтираётганлар пайдо бўлаётган экан, янада хушёр бўлишимиз зарур. Шунинг учун компьютер марказларида, интернет клубларда болалар нима кўраётганини, бозорларда қандай дисклар сотилаётганини қатъий назоратга олиш жуда муҳим. Бу ишни фақат ҳуқуқ-тартибот, солиқ идоралари зиммасига ташлаб қўймасдан, жамоатчилик назоратини кучайтириш керак. Бу — биз, педагоглардан, ота-оналардан, маҳалла фаолларидан катта масъулият талаб қилади.

Ҳа, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи видеомаҳсулотларнинг кириб келишига, уларнинг айланишига қарши курашга мавсумий ёки ҳуқуқий муҳозафа қилиш идоралари ҳодимлари томонидан бажариладиган иш сифатида эмас, кенг жамоатчиликнинг доимий вазифаси деб қаралгандагина қутилган самарага эришиш мумкин.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

БОЛАЛАР МАЪНАВИЯТИ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

кин чоралар кўрилмоқда. 2011 йилнинг тўққиз ойида ўттиздан зиёд қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, икки мингга яқин дискларнинг гайриқонуний айланмасига чек қўйилди.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу маҳсулотларнинг аксарияти хорижда ишлаб чиқарилган бўлиб, уларда бизнинг миллий маданиятимиз, одоб-ахлоқимизга зид фильмлар ёзилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилган «Миллий гоа тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарориди айна шу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Вилоят ҳокимлиги томонидан ушбу қарорнинг ижросини ўрганиш давомида жойларда бу борада қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланди. Текширишларда киновидео, интернет хизмати соҳасида фаолият кўрсатаётган айрим тадбиркорлар масаланинг маънавий жиҳатидан кўра

кўпайтириш ва сотиш тақиқланган киновидео маҳсулотлар сўнги рўйхатида уч юздан зиёд фильмларнинг номлари кўрсатилган. Бу рўйхат мамлакатимиз ҳудудида яширин йўллар билан олиб кирилаётган дискларнинг ҳаммаси эмас. Контрафакт дисклар савдоси билан шуғулланаётган айрим нафси бузуқ «тадбиркорлар» тақиқланган маҳсулотларнинг янги-янгиларини олиб келмоқда. Уларни интернетдан кўчириб тарқатиш ҳам кўпайиб бораётир.

Айни пайтда тобора кўпайиб бораётган интернет-кафелар ҳам бу гайрияхлоқий фильмларнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Масалан, вилоят марказидаги бинолардан бирда жойлашган интернет-кафеда қандай хизмат кўрсатилаётгани кузатилганда, бу ерга келаётган ёшлар ахлоқсизликни тарғиб этувчи веб-саҳифаларни кўраётгани маълум бўлди. «Ёшлик» маҳалласидаги интернет-кафенинг компьютерлари хотира папкаларида эса юздан зиёд

ўқувчи дарс вақтида жангари фильмлар томоша қиларётганига гувоҳ бўлдик. Пахтакор тумани марказидаги интернет клубда ҳам ўқувчиларнинг дарсга бормасдан, гайрияхлоқий киноларни кўриш билан машғул эканликлари аниқланди. Бундай ҳолат бошқа туманлардаги интернет-кафеларда ҳам учрамаслигига ким кафолат бера олади?

Давлатимиз томонидан ёшларнинг ҳар томонлама билимли, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар яратиб берилаётир. Хусусан, ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, уларнинг ахборот технологиялари ютуқларидан янада кенгрок баҳраманд бўлишларини таъминлаш мақсадида барча мактаб ва коллежлар интернет тармоғига уланган. Бугунги кунда ҳар бир ўғил-қиз ахборот технологиясининг бу воситаларидан бемалол фойдаланаётир. Энди ҳар бир болада интернетга кириш имконияти мавжуд.

ТАЛАБАЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Янги йил байрами арафасида Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.



Университетнинг Самарқанд филиалида ҳам асосий диққат-эътибор ахборот ва коммуникация соҳалари бўйича етук мутахассислар тайёрлашга қаратилаётир. Утган давр мобайнида филиални 1550 нафардан зиёд ёшлар битириб, бугунги кунда турли қорхоналар, таълим муассасаларида фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда бу ерда тўрт йўналишда бакалавр, икки мутахассислик бўйича магистр кадрлар тайёрланмоқда.

Уч қаватли ушбу замонавий бинода ёшларнинг пухта билим эгаллашлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Ўттизта ўқув аудиторияси, ўн та компьютер синфи, иккита лаборатория керакли жиҳозлар билан таъминланган. Бундан ташқари, видео-конференция зали, мультимедиа синфи, лингафон хонаси, электрон кутубхона ва ахборот ресурс маркази, спорт залида ҳам барча имкониятлар мавжуд.

Шу куни Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг янги биносида мазкур университет ва унинг жойлардаги филиалларидан ташриф буюрган профессор-ўқитувчилар, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мутахассислари иштирокида видеоконференция ўтказилди.

Суратларда: Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали ва университет талабалари.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА)
олган суратлар

ТАЪТИЛДАГИ МАЗМУНЛИ ҲОРДИК

Ўқув йилининг иккинчи ярими учун куч бағишлайди

Фасллар мусавирки, тиним билмай сурат чизади. Бир асариди оламни рангбаранг гулларга буркаса, бошқасиди заррин Кўёш нурларидан кўзингиз қамашади. Яна бирида саховатини кўз-кўз қилгандек, дарахт шохларига олтин тангалар қадайд. Мусавири-миз гоҳ оламни маъсум ва покиза кўрмоқ истагида ҳар ёни кумуш рангга бўшага қиришади. Агар заминни оппоқ қорга чулғаб, ўзига «оқ қоғоз» тайёрлай бошласа, билинги, бу унинг «Янги йил» расмини чизишга киришаётганидан дарак. Ушбу «расм»да, айниқса, таътил кунларида ўйнаб-қулиб юрган беғубор бола-жонлар, уларнинг завку суруридан Рассом илҳомининг беҳад жўш ураётганини кўрасиз.

Бу лаҳзаларда киши ўзини тафтиш қилишга киришади. Ортига қайрилиб, амалга оширган ишларини бир-бир сарҳисоб қилади, янги-янги режалар тузади...

Айни чоғда ўқувчи-ёшлар киши таътилда. Бу давр уларга ўқув йилининг қолган ярмини ҳам янгича иштиёқ, янги куч билан бошлашга ёрдам беради. Қадрдон ўқувчиларини ота-оналари бағрига жўнатган ўқитувчи-мураббиylаримизни ҳам Янги йил кайфияти, байрамона руҳ ҳали тарк этгани йўқ. Тинч, осуда кунлар оғушида кечаётган бундай саодатли дамлар уларнинг шахсий ҳаётида ҳам, иш фаолиятида ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатиши табиий.

Янги ўқув йили, гарчи сентябрь ойдан бошланса-да, киши таътил ҳам ўқитувчилар учун сарҳисоб фурсати, янги режалар тузиш палласи саналади. Шу боис, киши таътилда ўқитувчилар нималар билан бандлигини билиш мақсадида умумтаълим мактабларида бўлдиқ.

Шайхонтоҳур туманидаги



20-мактабга киришингиз билан сизни ҳам байрам кайфияти чулғай бошлайди: болаларнинг ижодкор қўллари билан безатилган арча, ҳаваскор ёш рассомлар келажакдан башорат қилаётган Қорбобо, Қорқизларнинг сурати, деворий газеталардаги болаларча ҳис-туйғулар уфуриб турган киш нафаси эндигина таътилга чиққан ўқувчиларнинг кўнги-роқдек овозларини қалбингизга жойлайди.

— Айни дамда ўқув масканимизда педагогларимиз томонидан киши таътилда ўқувчиларни кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши ва турли тадбирларни қизиқарли ўтказишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди ушбу таълим муассасаси раҳбари Шаҳнома Қосимова. — Ҳар бир синф раҳбарининг киши таътил режаси, шунингдек, ўқувчиларнинг ҳам қизиқишлари,

инобатга олинган ҳолда мактабимизда киши таътил кунларини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Жумладан, шахримизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштириш, турли спорт мусобақалари ташкил этишни мақсад қилганимиз.

Киши таътил давомида синф раҳбарлари ва фан ўқитувчилари томонидан қатор вазифалар белгилаб олинган. Аксарият ўқитувчиларимиз 5—8-синф ўқувчилари ўртасида "Билимлар беллашуви"ни юқори савиёда ташкил этиш, шунингдек, 9-синф ўқувчиларини фан олимпиадасининг туман босқичига тайёрлаш ишлари билан банд. Таътил пайтида навбатдаги педагогик кенгаши ўтказиш арасида-миз. Унда 2011-2012 ўқув йилининг биринчи ярим йиллик янқулари бўйича оптималлаштирилган ўқув дас-

турлари юзасидан ўқувчилар билимининг Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлик даражаси ва устама ҳақ белгиланган ўқитувчилар фаолияти ўрганилиб муҳокама қилинади. Ўқув йилининг биринчи ярмида 5-"А", 6-"А", 7-"А" синфларида зоология фанлари чуқурлаштириб ўқитилди. Педагогик кенгашида бу борада эришилган натижалар ҳамда бошланғич таълим ўқитувчилари Д.Зойтова, Д.Махсудованинг илғор иш тажрибаларини мактаб миқёсида омаллаштириш масалалари диққатимиз марказида бўлди.

— Таътил кунлари боқувчисини йўқотган оила фарзандларига хурсандчилик улашиш мақсадида уларни

давомида спорт зал, кутубхона, маънавият-маърифат хоналарининг мунтазам фаолият юритишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаёғимиз. 2—4-синф ўқувчилари учун Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғига ихтиёрий саёҳат уюштириш, 5-6-синф ўқувчиларини "Шаҳидлар хиёбони"га, 7-8-синф ўқувчиларини Темурийлар тарихи давлат музейига синф раҳбарлари ва тарих фани ўқитувчилари иштирокида ихтиёрий саёҳатларга олиб боришни ташкил этиш каби масалалар киши таътил режамизга киритилган.

Ўқитувчи бола қалбининг ижодкори. Гарчи ўқувчиларга дарс бериш-маса-да, киши таътил давомида ўқитувчилар ўқувчилари билимининг юксалтирадиган янги-янги методик услублар яратиш билан банд.



«Президент арчаси» — Янги йил байрами тантаналарига олиб чиқдик ҳамда кам таъминланган оила фарзандлари ва уйда якка тартибда таълим олувчи имконияти чекланган болаларга Янги йил совғалари улашилди, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Гулноза Хўжаева. — Шунингдек, таътил

Аслида, таътилни ҳам ўзига хос таълимий, психологик ва физиологик мақсадлари бўлиб, ундан унумли фойдаланган жамоа учун келгуси йилда муваффақиятлар юз очилиши таин. Ўйлай-мизки, ушбу таътил ҳам устоз муаллимлар учун ўзига хос ижодий ва ижобий палла бўлиб хизмат қилади.

Ғолиб БАҲРОМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Урганч туманидаги Юқори Дўрмон қишлоғида ногирон болаларнинг қўллаб-қувватланаётгани барчани қувонтиради. Теварак-атрофи гулзор ва боғлар билан ўралган ихчамгина бино ўтган йили янгидан қад ростлади. Дарвозадан ичкарига киришингиз билан саранжом-саришталик, озодалик, гуллар ифори кўнгилини кўтаради. Бу ерда гарчи имконияти чекланган бўлса ҳам ўзида интилиш ҳиссини тарбиялаётган ўғил-қизлар жисмоний машғулотларда чинқишади, спорт майдончасида бир-бири билан ўзаро мусобақалашади.

Даргоҳда болаларнинг компьютер ўрганишлари учун барча имкониятлар яратилган. Баъзилари шеър ёзади, айримлари хунармандлик бобида, яна бирлари чеварликда ҳеч қимдан қолишмайди. Улар томонидан чизилган тасвирлар мафтункор, жозибали. Инсон қалбида ҳаётга ва яшашга завқ ўйотадиган бу суратлар юксак иқтидор эгалари шаклланиб улгурганидан ҳикоя қилади гўё. Жисмоний ҳаракатлар

инъикосидаги турли хил машқлар эса уларда ижодий фаолликка мойиллик руҳини тарбиялайди. Кутубхонада 10 мингга яқин турли-туман адабиётлар мужассам. Зиё масканида ўғил-қизлар қизгин муталаа билан банд.

гдек, вилоятдаги иқтидорли, имконияти чекланган болаларнинг ота-оналари билан ўзаро дўстона алоқа ўрнатганимиз.

Ўзининг кичик студиясига эга бўлган ногиронлар жамиятида ви-

МУРУВВАТ —
ОЛИЙ ХИСЛАТ

— Ўн йиллик фаолиятимиз давомида уйда эътиборсиз қолиб кетган болаларни излаб топиб, мактабда таълим олишларига эришдик, — деди ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш жамияти раиси Назира Сафарбоева. — Бугунги кунда ўша болалар умумий ўрта таълим мактабларини тугатиб, касб-хўнар коллежларида таҳсил олишаётир. Уларнинг аксарияти махсус курсларни тугатиб, сертификат эгаси бўлишди. Шунин-

деокамера, рақамли фотоаппарат, мусиқали марказ, DVD плейер, катта ҳажмдаги рангли телевизор мавжуд.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг кичик гранти асосида имконияти чекланган болалар майдончаси лойиҳасини амалга оширдик, — деди мамнунлик би-

Maxsus ta'lim muassasalarida

лан Назира Сафарбоева. — Бу бизнинг эзгу орзуммиз эди. Энди ҳаракатли ўйинлар баҳонасида жисмоний машғулотларнинг қўламини янада кенгайтириш. Бугунги ногиронлар маънавий бой, маданияти, миллий тафаккури кенг, иқтидорли ва қобилиятли. Улар яшаш сари интилоқдалар, ўзларининг куч ва ғайратларини мамлакатимиз тараққиёти йўлида сарфлашга интилоқдалар.

Ногиронлар жамияти раиси ҳақ гапни айтиди. Ҳақиқатан ҳам бугунги ногиронлар бир жойда ўтириб қолган, ҳаракатсиз яшаётган инсонлар эмас, балки жамиятнинг ажралмас бир қисмига айланган фуқаролардир. Мамлакатимизда уларнинг яшashi, ўқиши ва ҳаётда ўзлари танлаган мутахассислик эгаси бўлиб етишишлари учун қулайликлар яратилганлигининг эътирофи айнан Назиранинг сўзларида ўз тасдиғини топгандек, назаримизда...

Феруза ТАНҒРИБЕРГАНОВА
Хоразм вилояти

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ*ректорати,*

*профессор-ўқитувчилари ва талабалари жамоаси барча
юртдошларимизни, республикаимиз таълим ва фан тизимида
меҳнат қилаётган фидойиларни, муҳтарам устоз ва
мураббийларни **ЯНГИ — 2012 йил** билан муборакбод этади!
Янги йилда Сиз — азизларга энг эзгу тилаklarимизни йўллаймиз.
Барчага омад ва зафарлар ёр бўлсин!*

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ***ректорати,*

*профессор-ўқитувчилари ва кўп минг сонли
талабалари жамоаси Сиз — азиз юртдошларимизни
ЯНГИ — 2012 йил билан муборакбод этади!*

*Ватанимизнинг келажаги бўлган зукко, билимли
ёшларни юрт истиқболига дахлдорлик ҳисси билан
мустақил ҳаётга йўллаш олий мақсадимиздир.
Барчангизга Янги йил бахт ва омад келтирсин.*

*Хонадонингиз тинч, турмушингиз
янада фаровон бўлсин!*



«O'ZPAHTASANOAT» UYUSHMASI

Мустақил Ватанимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларни, мамлакатимизга ташриф буюрган меҳмонлар ва сайёҳларни, юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлида меҳнат қилаётган фермерларни, барча қишлоқ хўжалиги ходимлари ва илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчи, олим ҳамда пахта хомашёсини қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати корхоналари ишчи-хизматчиларини

Янги — 2012 йил

билан самимий қутлаймиз!

Барчага тинчлик-хотиржамлик, оилавий ҳаётларида омад ва зафарлар тилаймиз!



SAVDOGAR BANK

ЎЗБЕКИСТОН—ГЕРМАНИЯ «САВДОГАР»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!
Ўзбекистон — Германия «Савдогар»
банки жамоаси мамлакатимиздаги
барча миллат ва элатларни,
табаррук Ватанимизга
ташриф буюрган хорижлик меҳмон
ва сайёҳларни, ўз мижозлари
ва акциядорларини

Янги — 2012 йил

билан самимий қутлайди!
«Мустаҳкам оила йили»да
жонажон Ўзбекистонимиздаги
ҳар бир хонадонга бахт-саодат,
хайру-барака, шодлик ва
фаровонлик тилайди!



Бундан ярим асрдан ҳам кўпроқ вақт олдин дунёнинг етакчи олимлари илк мартаба бутун организмга ҳаёт бағишловчи, «абдий» хужайралар хусусида фикр юритишганди. Бироқ ўша даврда илмий билимлар ва лабораторияларнинг техник усуналар билан таъминланиш даражаси ушбу ғайритабиий зарралар табиатиغا оид жиддий тадқиқотларни амалга ошириш имконини бермасди. Фақатгина ўтган асрнинг 90-йиллари бошларига келиб океанортилик олимлар аввал илкларда, сўнгра барча орган ва тўқималарда тarmoқ хужайралари дея номланган ўзига хос зарралар борлигини қайтадан «кашф» этишди. Кенг жамоатчиликка тarmoқ хужайралари организмга сунъий равишда ҳам киритилиши мумкинлиги маълум бўлгач, дунё илм-фан ахли йирик қамровли изланишларни ташкил этишга, тиббиёт мутахассислари эса мазкур соҳани янада чуқурроқ ўзлаштиришга киришиб кетишди.

ланган бемор шифо топиши мумкинми? Бугунга келиб олимлар бу каби хасталиқлардан даво топишга умид бағишловчи тarmoқ хужайраларини организмнинг керакли жойига йўналтирган ҳолда бир қанча муваффақиятларга эришяётганини таъкидлашмоқда. Тиббиётдаги айнан шу ютуқлар эса тarmoқ хужайраларидан деярли чегарасиз равишда муолажа учун фойдаланиш имконини туғдиради.

«Нейчэ Биосайнс» («Nature Bioscience») илмий наشريда ёзилишича, инсон организмда тахминан 50 миллиард тarmoқ хужайралари бўлиб, улар маълум муддатгача мунтазам равишда янгилиниб туради. Одам улғайгани сари уларнинг сони қисқариб боради,

кўзда тутилган. Инсон тана-сида тarmoқ хужайралар энг кўп тос суяги илигида бўлар экан. Айнан шу ердан хужайралар олиниб, сўнгра лаборатория шароитида махсус йўл билан фаоллаштирилади, ўстирилади ва организмга қайта киритилади. Навбатдаги босқичда улар махсус сигнал орқали шикастланган жойга йўналтирилади. Европа тадқиқотлар маркази илмий ходимларининг сўзларига кўра, стромал турдаги тarmoқ хужайралари ҳисобланган мазкур зарраларнинг ҳатто биттасидан ҳам бутун бошли туркум хужайраларни ҳосил қилиш мумкин. Энг қизиги, стромал тarmoқ хужайралари илк суягидан олинганига қарамай, маълум омиллар таъсирида

Тarmoқ хужайралари манбаларидан бири бу димок шиллиқ пардаси ҳамдир. Стэнфорд университети олимларининг «Байологикал ревью» («Biological Review») илмий нашридаги мақолада айтилишича, айнан бурун-халқумда нейронларга айланадиган тarmoқ хужайралари бор ҳамда улар бош ва умуртқа поғона миёси хасталиқларини даволашда қўл келади.

Айтиш жоизки, тarmoқ хужайралари илмий янгилик сифатида тиббиёт учун жуда катта имкониятларни туғдириши рост, лекин бу борадаги тадқиқотларнинг яқини натижалари асосан келажакда кузатиладиганга ўхшайди. Чунки бутун дунёдаги олимларнинг кўп йиллик изланишларига қарамай, эришилган ютуқлар камлигича қолмоқда экан.

Тахминларга кўра, асл тarmoқ хужайраси бошқаларидан шуниси билан фаркланадигани, уни намоен этувчи ўзига хос белгилар йўқ. Шу боис у зарур пайтгача пайқалмайди. Айни пайтда яна бир жиҳат борки, уни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Қатор ҳолларда тarmoқ хужайраларидан тиббиётда фойдаланиш нохуш ҳолатларга ҳам олиб келиши мумкин. Бу, асосан, тўқима ва тarmoқ хужайраларини трансплантация қилгандан сўнг кузатиладиган «бегоналашиш» жараёнида айниқса яққол кўринади. Аникроги, бунда организм тarmoқ хужайралари ёрдамида шакланган тўқимани ёт турдагидек қабул қилмайди ва уларнинг бириктириб кетиши жараёни қийин кечади.

Шунингдек, трансплантация қилинган хужайраларнинг организмдаги кейинги «хатти-ҳаракатлари» нин олдиндан ба-шорат қилиш қийин. Чунки олимлар тажриба пайтида қайси хужайралар организмга сингиб кетиши ва қайсилари «бегонасираши» ҳамда мазкур ҳолатлар нима сабабдан кузатилиши, нохуш оқибатларнинг олдини олиш мақсадида қандай ҳаракатларни амалга ошириш зарур каби жумбоқларга ҳали тўлалигича жавоб топишгани йўқ.

Бунинг устига айни пайтда даволаниши зарур бўлган органга тўғридан-тўғри йўналтирилганига тўлиқ ишонч ҳосил қилишга имкон берадиган технологиялар ҳам етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу боис одамнинг ўзидан олинган ва лаборатория шароитида қайта ишланган тarmoқ хужайраларини улар учун одатий бўлган муҳитда тўйинтириш ва фаоллаштириш мақсадида олиб, сунъий озукда муҳитга ташлаш қандай натижа беришини мутахассислар қатъий ишонч билан айти олмайди. Бу эса ўз навбатида мазкур йўналишда ҳали яна ўнлаб, юзлаб кенг қамровли ва чуқур тадқиқотлар амалга оширилиши зарур деганидир.


ТАРМОҚ ХУЖАЙРАЛАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Шу ўринда савол туғилади: хужайралари аслида нима ўзи? Улар қисқа қилиб қуйидагича изоҳланади: тarmoқ хужайралари деб маълум шароитда исталган турдаги тўқималарда вужудга келадиган, исталган орган — жигар, буйрак, юрак, мия ва бошқаларнинг шаклланишига туртки бўладиган универсал турдаги хужайраларни аташ мумкин экан. Шу боис бугун инсониятга кўплаб оғир хасталиқлар давосини топишга умид бағишловчи регенератив(қайта тикланадиган) хужайралар (инглизча stem cell) тиббиётнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида кўрсатилиб, бу борада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

ралари қайта тикланиши ва организмнинг ўзига хос хужайралари тизимини ташкил этиши мумкин бўлган зарралар ҳисобланади. Соддароқ тушунтирилганда, улар исталган орган ёки тўқимани шакллантириш имконига эга бўлган универсал материалдир.

Эши катта инсон организмидан тarmoқ хужайралари асосан илк, барча орган ҳамда тўқималарда оз-оз миқдорда бўлади. Улар орган ва тўқималарнинг шикастланган жойларини қайта тиклайди. Инсон организмидан ҳеч қандай шикаст ёки бузилиш бўлмаган экан, тarmoқ хужайралари танада эркин ҳаракатланади юрaverради. Лекин бирор-бир жароҳат ҳақидаги ўзига хос генетик «сигнал» қабул қилинган, тarmoқ хужайралари қон айланиш тизими бўйлаб шикастланган органга боради. Улар керакли нуктада организм учун зарур турдаги (суяк, мушак, жигар, юрак мускул ва ҳаттоки асаб) хужайраларга айланган ҳолда деярли барча турдаги жароҳатни даволаши, организмнинг ички заҳирасини эмга солиб орган ёки тўқимани тиклаши мумкин.

— Аслини олганда катта ёшли инсон организмидан тarmoқ хужайралари заҳираси у даражада ҳам кўп эмас, — деб ёзади Калифорния штати, Дурейт шаҳридаги Миллий тиббиёт маркази илмий ходими Жон Росси «Сайнс» журналида. — Шу боис кекса организмдан нобуд бўлган ёки йўқотилган хужайраларни мустақил равишда қайта тиклаш имконияти бирмунча чекланган бўлади. Бу қатор сабаблар, масалан, жароҳат ўчоги катталиги, организм сунъий қолгани ёки шунчаки кексалик туфайли бўлиши мумкин. Хўш, унда жигар циррози, инсулёт, фалаж, қандли диабет касаллиги, асаб тизимининг қатор хасталиқларидан бири аниқ-



чунки хужайралар бажарадиган вазифалар кўпаяди, нобуд бўлганлари ўрнини эса тўлдириб бўлмайди. Кузатувлар мазкур жараён 20 ёшда бошланиши, 70 ёшга келиб эса тarmoқ хужайралари жуда оз миқдорда қолишини кўрсатди. Қолаверса, кекса одам организмдаги тarmoқ хужайралари ўзининг универсаллик хусусиятини ҳам йўқотиб бораркан. Бироқ сунъий равишда тarmoқ хужайраларини организмга зарарсиз ва оғир оқибатларсиз киритишнинг имкони топилса, яъни зарарланган ёки касалланган зарралар соғломларига алмаштирилса, соғлиқни тиклаш ва ҳаттоки инсон умрини узайтиришга ҳам эришиш мумкин экан. Бунинг учун кам ҳаракат қилиниб «кексаянган» ёки зарарланган хужайралар ўрни алмаштирилади. Унда сунъий равишда организмга киритиладиган тarmoқ хужайраларини қаердан олиш мумкин? Таъкидланишича, бугун уларни олиш, ўстириш ва зарур нуктага йўналтириш учун қатор усуллар ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Биринчиси, инсоннинг ўзига ўзи донор бўлиши

асаб хужайралари (нейронлар) ёки юрак мушаги хужайраларига айланиши мумкин. Тажрибалардан маълум бўлдики, стромал хужайраларга махсус модда қўшилгач, 2 ҳафтадан кейин уларнинг 80 фоизи нейронлардан ташкил топгани кузатилган. Инфаркт «худуди»га киритилган 90 фоиз стромал хужайралар тўлалигича юрак мушаги хужайрасига айланиб, миокард(юрак мушаклари тизими)нинг деярли барча функцияларини тиклайди. Лекин катта ёшли инсоннинг стромал хужайралари фаолияти чеклангани боис уларнинг донорлиги «трансплантант — реципиент организмга қарши» кўринишини олиши мумкин.

Шунга қарамай, биология ва тиббиёт каби соҳаларда тarmoқ хужайралари билан боғлиқ катта умидлар йўқ, деб бўлмайди. Улар ёрдамида соғлом тўқима ёки органини ўстириш ва зарарлангани ўрнига трансплантация қилиш масалалари бу борада катта аҳамиятга эгадир. Тўғри, тarmoқ хужайралари барча синоалардан ўтиб, тиббиёт амалиётига кенг жорий этилиши учун ҳали кўп йил талаб этилади. Лекин эртанги кунга умид билан қаровчи илм-фан ахли ҳозирнинг ўзидаёқ хавфли ва оғир хасталиқларни даволаш бораида хужайралар тиббиётининг келажакдаги порлоқ эканини таъкидлашмоқда.

ЛУВР МУЗЕЙЛАР ИЧИДА ЕТАКЧИ

Франциядаги Лувр ташриф буюрувчилар сонига кўра, жаҳондаги етакчи музей мақомини сақлаб қолди, дея хабар берди Франс-Пресс агентлиги. Мутасаддиларнинг маълум қилишича, 2011 йилнинг ўзига музейга 8,8 миллионга яқин одам ташриф буюрган. 2008—2010 йиллар давомида эса Париж музейи йилига 8,5 миллион одамни кутиб олган.



томонидан тарқатилган баёнотда.

Британиянинг машҳур "The Art Newspaper" журналида эълон қилинадиган энг гавжум музейлар рўйхатида мана неча йиллар-дири, биринчилик шохсупаси Луверга nasib этмоқда. Журнал рейтингига биноан, Лувердан кейинги ўринни йилига 5,8 миллион ташриф билан Британия музейи, учинчи ўринни эса Нью-Йоркнинг Метрополитен музейи эгаллаган.

ЭШИТИШНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА

Англиянинг Кил университети мутахассислари кексаларда учрайдиган кўлоқ оғирлашиши хасталигини тармоқ ҳужайралари ёрдамида даволаш мумкин, деган тахминни илгари суришмоқда. "The Daily Telegraph" хабарига кўра, Дэвид Фернесс бошчилигидаги тадқиқотчи гуруҳ тегишли тажрибалар кетма-кетлигини амалга ошириш арафасида.



Олимларнинг айтишича, ёш ўтгани сайин эшитиш қобилиятининг пасайиши фиброцитлар (бўлиниш хусусиятини йўқотган бирлаштирувчи тўқима ҳужайралари) ҳолатининг ёмонлашиши билан боғлиқ. Кўлоқ ичи чиганогидида фиброцитлар товуш тебранишларини ҳаракатлантирувчи суяклик — ион таркибининг назорат қилади.



Айни пайтда Фернесс раҳбарлик қилаётган гуруҳ лаборатория шароитида тармоқ ҳужайралари ёрдамида фиброцитларни ўстириш билан машғул. Ишнинг кейинги босқичида бу усулда ўстирилган фиброцитлар кексаликка оид кўлоқ оғирлашишига учраган беморларнинг кўлоғига ўтказилиши режалаштирилмоқда. Мутахассислар ўз навбатида мазкур жаррохлик ҳодисасини қай тартибда амалга ошириш масаласи устида ҳам бош қотиришяпти.

Хисоб-китобларга кўра, Буюк Британияда кекса одамларнинг 9 миллионга яқини кўлоқ оғирлашишидан азият чекишади, бу каби хасталик 60 ёшдан ошган ҳар иккинчи британиликда учрайди.

"APPLE" ДАН НАВБАТДАГИ ЯНГИЛИК

Тез орада "Apple" ("Эппл") компанияси ўз соҳибини қиёфасига қараб ажрата олиш функциясига эга ноутбук ва мобил телефонлар сановатини йўлга қўяди. Курилманиннг олд қисмида жойлашган камера одам танаси аъзолари, жумладан, кўзлари, бурни, оғзи, шунингдек, териси орқали уни таниб олиши мумкин бўлишини Patenty Apple блоги хабар қилган.

Лойҳаниннг ўзига хосликларидан бири шундаки, ускуна доимий равишда, ҳатто унинг экрани ўчирилган вақтда ҳам қиёфаларни ажратишга тайёр туради.

Компаниянинг патент олишга оид аризасида таъкидланишича, ускуна бир неча фойдаланувчи, масалан, бир оила аъзолари ёки бир бўлимда ишловчи ходимлар қиёфасини хотирада сақлаб қолиши мумкин. Дунёда ҳар бир одам ускуна уни таниган, фойдалана оладиган индивидуал дастур ва созлашлар тўпламига эга бўлади.

Юз орқали таниш технологияси бундан аввал ҳам бир неча ускуналарда қўланилган ва фойдаланувчини парол кiritиш мажбуриятдан халос этган. Бу каби курилмалардан бири ўтган йилнинг октябрь ойида тақдим этилган Galaxy Nexus эди. Аммо фойдаланувчилар билдирган муносабатлардан маълум бўлмоқдаки, функция хатоликлардан холи эмас. Масалан, у ҳақиқий соҳибининг суратига эга бўлган бегона одамни тизимга киритган ҳолат ҳам кузатилган.



В.ҚАРШИБОВА тайёрлади.



Италия ҳукумати мамлакатдаги машҳур тарихий ёдгорлик — Колизей девори фрагментининг қулагани тўғрисидаги маҳаллий ОАВ тарқатган ахборотнинг нотўғри эканлигини маълум қилди.

Аргентина жанубида маҳаллий парламентнинг давлат ишчилари маошини қисқартириш ва нафақага чиқиш ёшини узайтириш бўйича қабул қилган қонунлар пакетига жавобан давлат ташкилотлари ходимлари томонидан уюштирилган тартибсизликлар оқибатида 20 нафардан ортиқ одам, жумладан бир нафар полиция ходими жабрланган.

"Тхане" циклони натижасида Ҳиндистон жануби-шарқий қирғоғида вужудга келган жала ва кучли шамол яқин ҳудудларда электр энергияси билан боғлиқ муаммоларни вужудга келтираётгани, қурбон бўлганлар сони эса 11 нафарга етганини маҳаллий IANS агентлиги маълум қилди.

AP хабарига кўра, Аляскада Кливленд вулкони отилиши оқибатида атмосферага катта миқдорда кул зарралари тарқатган ва шу муносабат билан АКШ геология хизмати вулконнинг авиарейслар учун туғдириши мумкин бўлган хавфи даражаси ошганини маълум қилди.

КИБРАЙ МОЛИЯ-ИҚТИСОДИЁТ КОЛЛЕЖИ

бўш педагог ходимлар ўрни учун танлов эълон қилади:

- Рус тили фани ўқитувчиси лавозими учун;
- Жисмоний тарбия раҳбари лавозими учун;
- Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси лавозими учун;
- Банк иши ўқитувчиси лавозими учун;
- Солиқлар ва солиққа тортиш фани ўқитувчиси лавозими учун;

- Информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси лавозими учун;
- Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича ишлаб чиқариш таълим устаси лавозими учун.

Талаб этиладиган маълумот:

- Умумтаълим фанлари бўйича педагог бўш ўринларини эгаллаш учун танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик мутахассислик бўйича магистр, дипломли мутахассис ва бакалавр;
- Махсус фан ва касбий таълим (амалиёт) педагоглари лавозими учун танловда йўналиши ва ихтисосликка мос келадиган илмий даража(илмий унвон)ли ёки магистр, дипломли мутахассис ва бакалавр бўлиши лозим.

Бундан ташқари, қуйидаги ўринларга ишчи ходимлар таклиф этилади:

- Қоровул;
- Ётоқхона кечки навбатчиси;
- Чилангар;
- Фаррош.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар:

- Ариза;
- Сўровнома ва таржимаи ҳол;
- Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
- Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси (мавжуд бўлса);
- Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
- 4x6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
- Пенсия жамғармаси дафтарчаси;
- ИНН рақами.

Манзил: Қибрай тумани, Салор шаҳарчаси, Наврўз маҳалласи, Қорамурт кўчаси, 1-уй (мўлжал Тошкент давлат аграр университети). Телефон: 263-74-48.

Муҳтарам юртдошлар!
Азиз ўқитувчи ва мураббийлар!
2012 йил МУБОРАК БЎЛСИН!

«Мустаҳкам оила йили»да барча оилаларга
энг эзгу тилаklarимизни йўлаймиз.
Янги йил барчага бахт ва омад келтирсин.

Тошкент
давлат
иқтисодиёт
университети
реktorати,
профессор-
ўқитувчилари
ва талабалари
жамоаси

Ma'rifat

**TA'SIS
ETUVCHILAR:**
O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV,
Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor
DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV
(bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib),
Mahmuda MURZAYEVA, Husan
NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari),
Nurlan USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"),
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib,
"Учитель Узбекистана"), Sa'dulla
HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. G-118.
Tiraji 55361.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga
qaytarilmaydi.

© belgisi ostida reklama materiallari beriladi.
Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Lilya BINASHEVA.
Navbatchi muharrir:
Zohidjon XOLOV.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.
Korxonadan manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 21.30
9x4 skaym — 20.40